

Аттестациядан ўтказилмагани баҳона бўлди...

3-бет



Мансабдор жаримага тортилди, ходим ўз ишига тикланди

3-бет



“Бухоронинг сўнгги амири — Саид Олимхон авлодиданман...

6-бет



Янгиерлик хакер 67 нафар фуқарони тузоғига илинтирди

7-бет

ИНСОН ва ҚОНУН

4 август 2020 йил / № 28 (1232) www.hudud24.uz insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MADAD
Huquqiy maslahat byurosi

Ҳуқуқий мадад


ҳаммага,
ҳар доим,
ҳамма жойда!

8-БЕТ



СУВ ДУНЁДА МУҚОБИЛИ БЎЛМАГАН ЯГОНА РЕСУРС

ЖАҲОН РЕСУРСЛАРИ ИНСТИТУТИ (WRI) МАЪЛУМОТИГА КЎРА:



Ўзбекистон сув танқислиги бўйича дунёдаги 164 мамлакат рўйхатида 25-ўринни эгалламоқда.



Ўзбекистон сув танқислиги юқори бўлган 27 мамлакат ичида 8-қатордан жой олган.



Сув танқислиги юқори бўлган мамлакатлар — Қирғизистон, Афғонистон, Арманистон, Туркия, Италия ва бошқа давлатлар.

Бизнинг шароитимизда сувга бўлган талабларимизни қондиришда 3 та йўл бор:

1. Биринчиси — сувдан фойдаланишни такомиллаштириш
2. Иккинчиси — ички сув ресурсларни топиш
3. Учинчиси — сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялашган муҳандислар институтининг халқаро ҳамкорлик бўйича проректори Абдулҳаким Салоҳиддинов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

2-БЕТ

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини ўзингиз кутган сайтда кузатинг



@hudud24official

“Ўзбек иши” ва “Пахта иши” мусибатининг илдизи қаерда эди?

4-5 БЕТ

Абдулҳаким САЛОҲИДДИНОВ:

// Сув дунёда муқобили бўлмаган ЯГОНА РЕСУРС



ЎЗБЕКИСТОН сув танқислиги бўйича дунёдаги 164 мамлакат рўйхатида 25-ўринни эгалламоқда. Мазкур статистик маълумотни жорий йилда Жаҳон ресурслари институти (WRI) маълум қилган эди. WRI тадқиқотига кўра, Ўзбекистон сув танқислиги юқори бўлган 27 мамлакат рўйхатида. Улар орасида Қирғизистон, Афғонистон, Арманистон, Туркия, Италия ва бошқа давлатлар бор. Мамлакатимиз эса рейтингнинг 8-қаторидан жой олган. Бугунги кунда республикадаги мавжуд муаммонинг ечими нимада кўринади?

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялашган муҳандислар институтининг халқаро ҳамкорлик бўйича проректори Абдулҳаким Салоҳиддинов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.



— Германия ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан Европа давлатларининг сув танқислигининг олдини олиш бўйича илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Германия сафарида бўлиб қайтибсиз. Ўзбекистон учун ушбу муаммо қай даражада долзарб ва уни ҳал этиш бўйича бугун нима ишлар амалга оширилмоқда?

— Бугунги кунда Ўзбекистонда сув хўжалигини ривожлантиришда катта ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Халқаро ҳамжамиятда сувни бошқариш бўйича амалий тажрибани ўрганиш, ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан қатор дастурларни амалга оширмоқда. Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) республикамизда Европа Иттифоқининг "Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш" Дастурини амалга ошириб келмоқда. Ушбу дастур Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Ўзбекистон ўртасидаги 2014-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг 3 та компоненти бор. Биринчиси GIZ томонидан амалга оширилиб, сув хўжалигини ва ресурсларини мукаммал бошқаришнинг миллий доиравий концепциясини яратишга қаратилган. Шу билан бирга ушбу компонент доирасида умумий қиймати 7 миллион еврога тенг сув ва энергия ресурсларини тежовчи асбоб-ускуналар ва замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари хариди ҳам кўзда тутилган. Бизнинг Германияга ташрифимиз биринчи компонент доирасида амалга ошди. Институтимизнинг 5 нафар ва Президент академиясидан 2 нафар мутахассис Коблесс университетида ташкил этилган семинарда қатнашдик. Рейн дарёси сув ресурсларини бошқариш ҳавзавий ташкилоти мутахассислари иштирокида тренингда айнан сув муаммолари, уларни ҳавзавий бошқариш бўйича масалалар муҳокама қилиниб, тажриба алмашилди.

> **— 200 дан ортиқ давлат трансчегаравий дарёлардан фойдаланади. Биргина Рейн дарёсини бошқаришда 19 та давлат қатнашади. Йилига бир марта сув хўжалиги вазирлари иштирокида Кенгаш ўтказилиб, тарафлар эшитилади. Европада Сув директивраси қабул қилиниб, унга барча мамлакатлар аъзо. Бу бошқарув жараёнларини енгиллаштиради. Марказий Осиёнинг сув танқислиги шароитида халқаро сув қонунчилигига асосан сувни бошқариш лозим.**

— Қишлоқ хўжалигида бугун 90 фоиз сувдан фойдаланилади. Айнан унинг сарфини камайтириш борасида ўрганилган Европа тажрибасининг қайси жиҳатларини мамлакатимизда қўлласа бўлади?

— Сув дунёда муқобили бўлмаган ягона ресурсдир. Бошқа деярли ҳамма нарса, яъни газ, электр манбалари, ёқилғи ва бошқаларнинг муқобили мавжуд. Улар тугаса, ўрнига муқобилидан фойдаланиш мумкин. Сув бу умумфойдаланувчи ресурс. Миллионлаб истеъмолчилар бир вақтнинг ўзида сувдан турли мақсадларда, яъни ичимлик суви, электр ишлаб чиқариш, суғориш, саноатда, иқтисодиётда, соғломлаштириш манбаи, экологик муҳитни асровчи манба сифатида фойдаланишади. Ҳар бир сувдан фойдаланувчи унга ўзининг эҳтиёжи нуқтаи назаридан ёндашади. Сув ресурсларидан алоҳида фойдаланувчи ёки ҳавзавий бошқариш сифатида қараш мумкин. Айнан сувга ҳавза жиҳатидан қараш жуда муҳимдир. Барча сув истеъмолчиларнинг фикрларини инобатга олиб, қарорни биргаликда қабул қилиш лозим. Бу кейинчалик ундан фойдаланишга ҳар бир истеъмолчи томонидан унга эҳтиёткорона ёндашувни келтириб чиқаради. Германияда Рейн дарёсини бошқариш бўйича ҳавзавий ташкилоти 1950 йилда Германия, Франция, Люксембург, Нидерландия ва Швейцария томонидан ҳамкорликда тузилган ва биздан анча илгарилаб кетилган. Ҳавзавий манфаат тушунчаси мавжуд бўлиб, у барқарорликни сақлашга хизмат қилади. Бу нарса бизда ҳам бор. Аммо бизда сув ресурсларнинг чекланганлигини, сувга нисбатан талабнинг юқорилиги инобатга олинса уни бошқариш янада мураккаблашади.

Европада сувнинг тозалигини, дарёларнинг экологик ҳолатини яхшилаш борасидаги ишлар биринчи ўринда туради. 1950 йилларда Рейн дарёси Европанинг энг ифлосланган дарёлар рўйхатидан жой олган эди. Кейинчалик ҳавзавий бошқарув талаблари амалга киргач, у энг тоза дарёлардан бирига айланди. Бизнинг шароитимизда сувга бўлган талабларимизни қондиришда 3 та йўл бор. Биринчиси — сувдан фойдаланишни такомиллаштириш. Иккинчиси — ички сув ресурсларни топиш ва учинчиси — сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш.

Қишлоқ хўжалигида сувнинг сарфи юқорилигини инобатга оладиган бўлсак, сув тежовчи технологияларнинг бир қанча турлари қўлланилаётир. Булар эгатга плёнка тўшаб суғориш, ўқариқлар ўрнига эгилувчан плёнкали қувурлардан фойдаланиш, тупроқ остидан суғориш технологиясини қўллаш, далага сув бериш миқдори 25-30 фоизгача камаяди, эгат олинмайди. Ёмғирлатиб суғориш (бунда асосан бир йиллик экинлар суғорилади) ва томчилатиб суғориш.

Ушбу сув тежовчи технологиялар ичида томчилатиб суғориш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳаттоки, Президентимизнинг Қарорига асосан мазкур технологияларни қўллаган фермерларга ҳар бир гектарга 8 миллион сўм субсидиялар ҳам берилмоқда. Аммо сувдан фойдаланиш бизда юқори даражада эмас. Яна бир масала сувни ифлослантирмай, табиий сифатини сақлаш. Оқава сувлардан фойдаланиш. Масалан, саноатда совутишда, ҳаётда хўжалик мақсадларда иккиламчи сувдан фойдаланишни кўпайтириш, каналлардан оқувчи сувларнинг йўқотилишини камайтириш лозим. Асосий муаммомиз кўп сув йўқотамиз. Сув одамлар томонидан салқинланиш учун, томорқасини суғоришга сарфланади, лотокнинг синган жойидан оқиб ётади ва ҳоказо.

— Шуларни бартараф этишга, ҳавзавий бошқаришни такомиллаштиришга нима халақит бераяпти?

— Албатта, ҳеч нарса. Сув муаммоси аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ. Агарда мустақилликни энди қўлга киритган йилларда Ўзбекистон аҳолиси 20 миллион нафар бўлган бўлса, ҳозир 34 миллиондан ошди. Сув истеъмолига бўлган талаб ўсди, аммо ресурс кўпаймади. Энг ёмони ҳануз халқимизда сув кўп, у тугамайди, деган тушунча мавжуд. Аммо бундай эмас. Аҳолига буни тушунтириш лозим. Аждодларимиз қадимдан сувни муқаддас санашган. Аммо бугунги кунда сувга қадрият сифатида қараш деярли йўқолди. Буни зудлик билан тиклаш лозим. Ўша пайтдаги бошқарув технологиялари ҳозирги кунда самара бермаяпти. Ҳозир сув истеъмолини ҳар бир бўғинида тежаш зарур. Саноатда сувни ўрнига фойдаланиш мумкин бўлган суюқликлардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида тежовчи технологияларни тўлиқ жорий этиш, маиший ҳаётда иккиламчи сувдан кенг фойлаланиш давр талабидир.

Муаммонинг яна бир томони сувни ҳавзавий бошқаришга муносабатни ўзгартириш, жамоатчилик иштирокини йўлга қўйиш лозим. Мавжуд вазиятдан чиқишда жамоатчилик хабардорлигини ошириш лозим. Бизда илмий даражада сув балансини режалаштириш яхши йўлга қўйилмаган. Барча сув истеъмолчилари нафақат истеъмол қилиш, балки бошқарувда ҳам иштирок этиши муҳим. Ҳозирда сув истеъмолчилари уюшмалари тузилган. Аммо унда оддий аҳолининг иштироки кам. Демак, барчани сувни бошқаришдаги иштирокини босқичма-босқич таъминлаш зарур.

— Трансчегаравий дарёларни бошқариш қандай амалга оширилади?

— 200 дан ортиқ давлат трансчегаравий дарёлардан фойдаланади. Биргина Рейн дарёсини бошқаришда 19 та давлат қатнашади. Йилига бир марта сув хўжалиги вазирлари иштирокида Кенгаш ўтказилиб, тарафлар эшитилади. Европада Сув директиваси қабул қилиниб, унга барча мамлакатлар аъзо. Бу бошқарув жараёнларини енгиллаштиради. Марказий Осиёнинг сув танқислиги шароитида халқаро сув қонунчилигига асосан сувни бошқариш лозим.

Масалан, Ўзбекистон БМТнинг трансчегаравий сув ресурслари конвенциясига қўшилган. Аммо сувнинг бошида турган қўшни давлатлар қўшилмаган. Ҳозирда Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларини бошқариш бўйича концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мамлакатимизнинг раҳбари саъй-ҳаракати билан шу кунгача долзарб бўлган сув муаммоси бироз юмшади. Ҳозирда асосий вазифа қўшни давлатлар билан сувдан фойдаланиш бўйича шартномаларни имзолаш зарур. Айни пайтда Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси (ДСХМК) фаолият олиб бормоқда. Унинг асосий вазифаси Аму ва Сирдарёларни самарали бошқаришни йўлга қўйишдан иборат. Кейинги йилларда юқори давлатлар сув иншоотларини қуриш натижасида қуйи давлатларда сув етишмовчилиги муаммолари юзага келди. Аммо ҳозирда ДСХМК мавжуд масалаларни иложи борича ижобий ҳал қилиб келмоқда. Чунки сув бўйича муаммолар ҳамкорликда ечилмас экан, Марказий Осиёда барқарорлик бўлмайди.



Журналист Наргис ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

"КЕЧИККАН" СЕРТИФИКАТ



БУВАЙДА туманида яшовчи Малоҳатхон Турсунова ва Замирахон Расуловалар тумандаги 23-сонли умумтаълим мактабида "Технология" фани ўқитувчиси вазифасида ишлашади. Амалдаги тартибга кўра, улар ўтган 2019 йилнинг 27-29 май кунлари аттестациядан ўтишди.

Албатта, аттестация жараёнида ҳар иккала ўқитувчига кўп йиллик билим ва тажрибалари жуда асқотди. Натижада М.Турсунова 80 балл, З.Расулова эса 72,5 балл тўплаб, I-тоифали ўқитувчи мақомига эга бўлишди. Аммо орадан саккиз ойдан кўпроқ вақт ўтса-да, Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлими аттестация комиссияси аъзоларининг масъулиятсизлиги ҳамда ўз ишига совуққонлиги туфайли бу устозлар комиссия қарори билан таништирилмаган ва уларга намунадаги тоифа сертификати берилмаган. Оқибатда, деярли якунланган ўқув йили мобайнида иш ҳақларига ҳам тегишли устамалар қўшилмаган. Бинобарин, ҳуқуқи бузилган иккала ўқитувчи Бувайда туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, бу борада амалий ёрдам сўрашди.

Буни қарангки, айни мурожаат туман адлия бўлими томонидан ўрганилганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сонли қарори билан тасдиқланган "Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 67 ва 75-қисмларига биноан, иккинчи малака тоифали ёки катта ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан 65 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичларга эга бўлса, аттестациядан ўтган, деб топилиб, биринчи малака тоифаси берилиши ҳамда ушбу тоифани олган ўқитувчиларга аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддат ичида топширилиши ва сертификатларнинг хатосиз тўлдирилиши учун аттестация комиссияси раислари масъул эканлиги аён бўлди. Шу боис туман адлия бўлими томонидан қонунбузилиш содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Феруза Соҳибова номига тақдимнома киритилди.

Пировардида, туман ХТБ томонидан М.Турсунова ва З.Расуловаларга белгиланган намунадаги сертификат берилди. Шунингдек, уларнинг иш ҳақларига қўшилиши лозим бўлган бир йиллик устамалар ҳам тўлаб бериладиган бўлди.

Умиджон НАЗИРОВ,
Бувайда туман адлия бўлими бошлиғи

АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛМАГАНИ БАҲОНА БЎЛДИ...



ЗАРАФШОН шаҳрида истиқомат қилувчи Махсуда Алимова ҳамда Азиза Разоқовалар имтиёзли шартларда пенсияга чиқиши лозим бўлса-да, мазкур ҳуқуқ уларга нисбатан қўлланилмаганлигидан норози бўлиб, шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Мурожаат ўрганилганда, фуқаролар ҳақиқатан ҳам Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли бўлган 3-сонли тиббий санитария қисмининг юқумли касалликлар бўлими ва катталар поликлиникаси туберкулёзга қарши хонаси кичик тиббиёт ходими вазифасида ишлаб келган. Уларнинг иш шароити Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш жойлари рўйхатига киритилган. Аммо ходимларнинг иш ўрни ўз вақтида мазкур қарорга асосан шаҳодат кўригидан ўтказилмагани боис, шаҳар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан уларнинг ишлаган даври имтиёзли равишда инобатга олинмаган.

Зарарли иш шароитидаги иш ўринларини аттестация, яъни, шаҳодат кўригидан ўтказиш хулосаси иш ўрни ҳақиқатан зарарли шароитда эканлигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Мазкур ҳужжатсиз эса, ходимга нисбатан пенсияга чиқишда имтиёзлар қўлланилмайди. Ўтган даврлар мобайнида ана шундай иш ўринларини аттестациядан ўтказишда масъулиятсизликка йўл қўйилгани боис, зарарли иш шароитида меҳнат қилган ходимларнинг кўпчилиги ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдалана олмаяпти. Аммо бундай пайтда адлия идоралари юридик фактни белгилаш амалиётини қўллаб, фуқароларга ёрдам бермоқда.

Олий Суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида судлар иш стажи ҳақида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам меҳнат фаолияти даврларини белгилашда ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шаҳар адлия бўлими томонидан Зарафшон туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатга асосан фуқароларнинг имтиёзли шартларда пенсияга чиқиши таъминланди.

Ориф НОСИРОВ,
Зарафшон шаҳар адлия бўлими бош мутахассиси

ТАЪТИЛГА ЧИҚҚАН ОНАЛАР НАФАҚАСИЗ ҚОЛДИ



БУХОРО туман тиббиёт бирлашмасида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби аҳволи туман адлия бўлими томонидан таҳлил қилинганда, бирлашманинг 11 нафар ишчи-ходимидан жами 23 миллион 933 минг сўм миқдорида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларидан бўлган қарздорлик мавжудлиги аниқланган.

Жумладан, 2020 йил май ойидан ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқарилган бирлашма ҳамшираси З.Л.га 2 миллион 772 минг сўм, умумий амалиёт шифокори З.М.га 5 миллион 550 минг сўм, бирлашма ҳамшираси Д.Л.га 3 миллион 150 минг сўм ҳисобланган, бироқ нафақалар ўрганиш кунига қадар тўлаб берилмаган.

Меҳнат кодексининг 286-моддасида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланиши, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда давлат рўйхатидан ўтказилган буйруқ билан тасдиқланган "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 40-бандида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлиши ва 104-бандида эса ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси туғишдан олдин амалда фойдаланилган кунларнинг сонидан қатъи назар, таътилнинг тўлиқ даври учун бир йўла тўланади, деб белгиланган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритилиб, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқарилган 11 нафар ишчи-ходимга ҳисобланган жами 23 миллион 933 минг сўм миқдоридаги нафақа пуллари тўлаб берилиши таъминланди.

Санжар РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Бухоро туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

МАНСАБДОР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ, ходим ўз ишига тикланди

БЎЛИМИМИЗГА Марҳамат туманида яшовчи фуқаро С.Жанонов шикоят аризаси билан мурожаат қилди. У шу йилда туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Н.Мадиёровнинг буйруғи билан ишдан бўшатилганлигидан норози эканлигини билдирди.

Адлия бўлими томонидан ўтказилган ўрганиш давомида С.Жанонов ободонлаштириш бошқармасининг 2012 йил 1 майдаги 27-сонли буйруғи билан бошқарманинг қабристонлар бўйича бўлим бошлиғи лавозимига ишга қабул қилинганлиги, бошқарманинг 2020 йил 13 июлдаги 70-сонли буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси, иккинчи қисми, 7-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги маълум бўлди.

Бироқ ободонлаштириш бошқармаси томонидан фуқаро С.Жаноновни меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 101, 108-моддалари, шунингдек, ободонлаштириш бошқармаси жамоа шартномасининг 3, 4-бандлари талабларига амал қилинмаган ҳолда ободонлаштириш бошқармаси раҳбари томонидан С.Жаноновни меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича бошланғич касаба уюшмаси қўмитасига тақдимнома киритилмаганлиги, бошланғич касаба уюшма қўмитаси томонидан эса С.Жаноновни меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида розилик берилмаганлиги, фуқаро меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини олмаганлиги, меҳнат дафтарчаси бошқарма томонидан фуқарога берилмаганлиги ва бошқарманинг ходимлар бўлимида сақланиб келинганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан бўлимимиз томонидан маъмурий иш юритилиб, туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Н.Мадёров Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси, 1-қисмига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5-баробари — бир миллион бир юз ўн беш минг сўм миқдорида жаримага тортилиб, киритилган тақдимномага асосан С.Жанонов ўз иш жойига тикланиши таъминланди.

Муҳаммадбобур КАРИМОВ,
Марҳамат туман адлия бўлими бошлиғи

ҚОНЛИКЎЛДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА 6 ФОИЗЛИК ҚЎШИМЧА ТЎЛОВЛАР ТЎЛАНМАГАН

ҚОНЛИКЎЛ туман адлия бўлимига туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари Б.Б., Е.Ж., Ж.А., Х.Г., Ю.Р.лар мурожаат қилиб, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан қўшимча иш ҳақлар тўлаб берилмаётганлигини билдирган.

"Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўлаб берилиши белгиланган.

Мурожаатни ўрганиш давомида карантин муассасаларидан саналган туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимида фаолият олиб борган ходимлар Б.Б.га 17 кун фаолият кўрсатгани учун 1.497.891 сўм, Е.Ж.га 14 кун фаолият кўрсатгани учун 1.233.558 сўм, Ж.А.га 13 кун фаолият кўрсатгани учун 1.041.056 сўм, У.Г.га 17 кун учун 1.993.016 сўм, Ю.Р.га 17 кун учун 1.361.381 сўм жами 7.126.903 сўмлик қўшимча 6 фоизлик тўловлар тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат бўйича туман тиббиёт бирлашмасига коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб этилган даврда тиббиёт ходимлари учун ойлик лавозим маошига нисбатан 6 фоиз миқдорида кунлик қўшимча тўловларни тўлаб бериш чораларини кўришни сўраб тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимномага асосан тиббиёт ходимларига 7.126.903 сўм миқдоридаги қўшимча 6 фоизлик тўловлар тўлаб берилиши таъминланди.

Тимур АСАНОВ,
Қонликўл туман адлия бўлими бошлиғи

“ЎЗБЕК ИШИ”

МУСИБАТИНИНГ



Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Биз билмаган ҳақиқат:

- Ю.Андропов нега Ш.Рашидовни 20 йил давомида таъқиб қилиб келди?
- Компартия “кардинали” М.Суслов нега Ўзбекистон раҳбарини Сиёсий бюро аъзолигига тавсия этмади?
- Элликқалъага О.Примовнинг “айб”ини излаб “Водовоз”да ким келган эди?
- Г.Каракозовнинг кўзларига тик боқиб, ёқасига ёпишган мард
- К.Ражабов Т.Гдлянни учинчи қаватдан ирғитмоқчи бўлганмиди?

Инсон зоти Архимед замонидан буён турли илмий ғоялар устида бош қотириб келади. 1932 йили америкалик физик олим Г.Юри “оғир сув”ни кашф этди. Айнан шу йили рус олими Д. Иваненко атом ядроси протон ва нейтронга бўлинишини асослади. Пировардида, атом бомбаси Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари бошига минг йиллик мусибат солди. АҚШ президенти Г.Трумэн “Бу қирғин куролини қўллаш мумкинми, деб У.Черчилldан сўраганимда у “Иккинчи жаҳон урушини тугатишнинг бошқа йўли йўқ!”, деб жавоб берди!”, деб ёзган эди. Тақдирнинг қалтис ҳазилини қаранг-ки, бироз вақт ўтгач, академик А.Сахаров водород бомбасини кашф қилишга негиз бўлган назарияни яратди. Кейин бутун умрини шу куролга қарши курашишга бахш этди. Лекин қуролланиш пойгаси жазава билан бошланиб кетган эди.

1962 йилнинг 27 октябри (янги тарихга “қора шанба” атамаси билан кирган)да сайёрамизнинг тақдири қил устида, Собиқ Иттифоқнинг катта қисми “ядро каллак”ларининг тўғридан-тўғри нишонида қолган эди. АҚШ Қуролли Кучлари томонидан Туркиянинг Измир шаҳри яқинида ўрнатилган 15 та “PGM – 19 Юпитер” русумли баллистик ракеталари нафақат, Иттифоқ пойтахти Москва, балки Қрим, Кавказ, Каспий ҳудудлари устидан Турон заминининг бир қисмига қаратилган эди. Нишон дурбини билан қаралганида боболаримиз Кўҳна Урганчда олти аср олдин тиклаган Қутлуғ Темур минораси кўзга тушиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди. 1985 йили президент Шарль Де Голль уларни Францияга жойлаштиришдан воз кечди. 1960 йили АҚШда 6000 дона, СССРда атиги 300 дона ядро каллаги бор эди.

“Кариб инқирози” бўйича сиёсий мулоқотга СССРдан Н.Хрушчев, А.Микоян, Ш.Рашидов ва Кубадан Ф.Кастро, Р.Кастро, Э.Че Гевара, қарама-қарши томон АҚШдан Ж.Кеннеди, Р.Макнамара, М.Тейлор киришган эдилар. Мақоламиз мавзуи бу ҳақда эмас. Гап шундаки, “кора шанба”дан олдин ва кейин Н.Хрушчев Ново-Огареводаги қароргоҳида КПСС МҚ Президиуми (Сиёсий бюроси)нинг бир неча мажлисини чақиради. Бир мажлисда Л.Брежнев, Ф.Козлов, Ш.Рашидов, Б.Пономарев компартия лидерининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаганида МҚ бўлим мудири Юрий Андропов (23 ноябрь куни МҚ котиби бўлиб сайланади) “империалист душман”лар тарафини ёқлайди. Бир умр вазмин, босиқ бўлиб келган Шараф ака ўша дақиқада тутақиб кетади. Мажлис иштирокчиларидан А.Микоян, П.Шелест, В.Гришин ва бошқаларнинг ёзишича, Ўзбекистон раҳбари ўрнидан туриб МҚ бўлим мудири, яъни Андроповнинг тепасига дарғазаб бўлиб келади. Бу бошқаларни билмадигу компартия “Олимп”ида ўз нуфузини мустаҳкамлаб келаётган М.Сусловга ҳам ёқмайди.

Михаил Андреевич Суслов 1939-1944 йилларда ВКП(б) Оржоникидзе (ҳозирги Ставрополь) ўлка қўмитаси биринчи котиби эди. Йиллар ўтгач унинг нигоҳи Ставрополда туғилган Юрий Андроповга тушади. 1954 йили айнан Сусловнинг тавсияси билан Ю.Андропов СССРнинг Венгриядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб тайинланади. Энди биз муҳтарам муштарийга у қадар маълум бўлмаган бир воқеани таъкидламоқчимиз. Шўро элчиси венгер исёнчиларини шафқатсиз бостиришга бош қўшгани учун улар унинг ўғли Игорни гаровга олади-лар. Шунда бўлғуси атоқли давлат арбоби Гейдар Алиев бошлиқ махсус гуруҳ элчининг ўғлини мукаррар ўлимдан сақлаб қолади.

1967 йилнинг 10 май куни компартия “кардинали” ўз шогирдини СССР ДХҚ раиси қилиб тайинлашга эришади. Ўша кун, ўша соат, ўша дақиқадан бошлаб, Ю.Андропов беш йил аввал бошлаган таъқибини давом эттиради. У 1969 йили 25 октябрда Алексей Бесчастновни, 1974 йилнинг 25 октябрида ўз шогирди Эдуард Нордманни, 1978 йилнинг 2 мартида Левон Мелкумовни Ўзбекистонга юборади.

Ю.Андропов асосий “устозлари”дан жудо бўлганди, яъни 1982 йилнинг 25 январида М.Суслов, 10 ноябрида Л.И.Брежнев вафот этган эди. Л.Брежнев, М.Суслов, Ю.Андропов, Д.Устинов, А.Громико, К.Черненко, В.Шербицкийдан иборат “еттилик”ка якка ўзи қарши турган ҳукумат раиси А.Н.Косигин эса 1980 йилнинг 18 декабрида оламдан ўтади. Хулласи калом устози М.Суслов билан бирга Ю.Андропов 12 йил давомида Ш.Рашидовни сиёсий бюро аъзолигига йўлатишмади. Украинанинг кўп йиллик раҳбари П.Шелестнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ниҳоясида бу гап тор доирада муҳокама қилинганида М.Суслов ва Ю.Андропов Рашидовга қарши чиқадилар.

Ю.Андропов шўро тахтига чиқиши билан Ш.Рашидовдан ўч олишга киришди. У ўз кекини кўрғошин билан қорган эди. “Ўзбек иши” ёинки “Пахта иши”, деб номланган бўҳтондан иборат жазо жараёнида 800 та жиноят иши қўзғатилиб, 4000 нафар бегуноҳ одам қамоққа олинди. Бу суд орқали жазо олганлар, холос. Аслида, “Ўзбек иши” бир неча ўн минг юртдошимизнинг аччиқ қисматини қамраб олгани ҳақида атоқли юрист А.Полвонзоданинг чиқишларида батафсил ёритилди. Биз ўша тафсилотларни такрорлаш фикридан йироқмиз. Дастлаб бу жиноят иши Бухоро вилоят ОБХСС бошлиғи А.Музаффаров ва савдо ходими Ш.Қудратовга нисбатан очилган эди. Хўкизнинг шохига урилганида туёғи зирқирайди. Айб А.Музаффаров ё Ш.Қудратовда эмас эди. Бу ҳужжатлар 1983 йилнинг январида Ю.Андропов Шараф Рашидовни ўз кабинетига чақириб, истеъфо талаб қилганида қўл келган эди.

Ш.Рашидов сукут сақлаганидан кейин Бош котиб ҳузурига генерал Г.Каракозовни чақириб, “мурватни қаттиқ бураш”ни топширади. Натижада элнинг асл азаматлари А.Музаффаров ва В.Усмонов отиб ташланди. К.Эргашев, Г.Давидов, Р.Гойибов ўз жонига қасд қилдилар.

Ю.Андропов томонидан йиллар давомида режалаштирилган интиқом, кек оловланган эди. Ушбу кекнинг қўрғошинга қорилган ўқи бегуноҳ Ваҳобжон Усмоновнинг юрагини тешиб ўтди. Лекин бу ўқ нафақат унинг жигарлари, балки миллионлаб ватандошларимиз, шу жумладан, ушбу сатрлар муаллифининг қалбини ҳам тирнади. Дарвоқе, “Ўзбек иши” — “Пахта иши” билан боғлиқ тафсилотларнинг бир қисмини мен ўз кўзим билан кўрганман. Сабаби, 1979 йилдан эътиборан Элликқалъа ва Беруний туман газеталари, 25 йил минтақада марказий газеталар мухбири бўлдим. Шу боис, ўша йиллари бу ҳудудда юз берган воқеаларни, хусусан, “Кремль десанти” ва “Пахта иши” билан боғлиқ фожиаларнинг баланд-паст жиҳатларидан хабардорман. Қолаверса, “Пахта иши” жабрдийдалари Элликқалъа туман партия қўмитасининг биринчи котиби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган муҳандис, иқтисод фанлар номзоди Олимбой Примовнинг энг яқин ва ҳамфикр иниси сифатида Қорақалпоғистонда “десант”нинг асосий нигоҳи қаратилган атоқли инсонлар — Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси биринчи котиби Қаллибек Камолов, Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси котиби Ережеп Айитмуратов, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Абдулла Худойберганов, Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Тимур Камолов, Тўрткўл туман партия қўмитаси биринчи котиби Қосим Нурумбетов, Беруний туман партия қўмитаси биринчи котиби Олимбой Ражабов, Қораўзак (кейинчалик Тахтакўпир) туман партия қўмитаси Султонмурат Қониёзовлар билан шахсан таниш бўлганман. Кўпларининг ўша давр ҳақидаги ҳикояларини ўз қулоғим билан тинглаганман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист А.Полвонзода билан ҳамкасбимиз Ш.Акбаровнинг суҳбатида таъкидланганидек, республика раҳбариятида Анишчев-Огарок-Романовский-Сатин-Бутурлин-Гайданов-Дидоренкодан иборат “десант” гуруҳи фаолият юритган бўлса, Қорақалпоғистонда бу “тандем” Саликов-Малолетов-Максимов-Донцов ва бошқа “устомон”лардан иборат эди.

1984 йил август ойи ўртасида Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасига ўн биринчи котиб бўлиб, Жезқазған шаҳар партия қўмитаси биринчи, Жезқазған вилоят партия қўмитаси иккинчи котиби, КПСС Марказий Қўмитаси нозири бўлган Какимбек Саликов (1932-2013) сайланди. У Ўзбекистонга келганида рўёбга чиқарган илк муддаоси – 3 марта Сиёсий бюрога хат ёзиб, Гдлян гуруҳининг қўли билан Қ.Камоловни қаматди. У келиши билан ўзбек тилида “Жезкийик” номли китобини чиқарган эди. Шеърларидаги эзгу гаплар билан амалда бажарган риёкорлиги осмон билан ерча фарқ қилади.

К.Саликов биринчи навбатда Қ.Камоловнинг энг яқин сафдошларига, шогирдларига ҳужум қилди. 1984 йилнинг 29 декабрида Элликқалъа туман партия қўмитаси биринчи котиби Олимбой Примовни ишдан бўшатди. 1985 йилнинг бошларида К.Саликовни қаерда, қандай ҳолатда кўрганимни ёзсам, буни ўқиган бирорта одам ишонмаса керак. Лекин бу бўлган воқеа. Элликқалъа туман партия қўмитаси биноси олдидан ўтиб бораётганимда унинг олдига оддий сув ташийдиган “водовоз” машина келиб тўхтади. Ундан фуфайка кийган ўрта яшар бугдойранг киши тушди. Қоровулимиз Мадраҳим ака, барзанги одам мехмонга “Райкўмга шундай хароб машинада келасанми?” деб беписанд гап қилди. Тикилиб қарасам, бир ҳафта олдин Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида биз зиёлилар билан мажлис ўтказган К.Саликов. Югуриб бориб, Мадраҳим аканинг қўлини ушлаб қолдим, “Бу обкўмнинг биринчи секретари”, деб шивирладим. Университетда К.Саликов “Зачем нам столько мрамара? Ладно это храм науки. Но в райкомах зачем такая роскошь?”, деган эди. Демак, бинони кўриш учун ишчи кийимида яширинча келган экан. У чоғлари Олимбой Примович Беруний туманидаги Беруний номидаги совхоз директори эди. У кишини даладан топдим. Бўлим бошқарувчиси Ҳожибой Каримов тилло одам эди. Икковимизни ҳоли қолдириб трактор ёнига кетди. Саликовнинг “ташрифи”ни айтсам, Олимбой ака “Отлиғу пиёда изимга тушиб олган. Қаллибек Камоловни ёмонлаб ёзиб берсанг, ё обкўмнинг тармоқ котиби ё Нукус шаҳар қўмитаси биринчи котиби қиламан, деган эди. Йўриғига юрмаганимдан кейин Элликқалъадан бўшатди. Бу ерда ҳам тинч қўймайди, шекилли!” деди. 12 октябрь куни К.Саликов Олимбой Примовни ҳайъат йиғилишида ишдан бўшатди. Ўша йиғилишдан бўлганлардан уч киши К.Саликов

ва “ПАХТА ИШИ”

ИЛДИЗИ ҚАЕРДА ЭДИ?

қўрғошинга қорилган кек



“Партия билетини беринг!”, деганида Олимбой акамнинг “Ўртоқ Саликов партия билетини Сиздан олганим йўқ, Сизга бермайман!”, деб залдан мағрур чиқиб кетганини айтиб беришди. Марказий Қўмитадан Осетров қўнғироқ қилиб қойигач, 25 октябрь куни К.Саликов ўз ҳужжатларида ишкал борлигини билиб қолиб, масалани қайта ҳайъатга қўйди. Ўша кунлари Олимбой аканинг рангида ранг қолмаган эди. 25 йил ҳукумат хизматида бўлиб, уй ҳам қурмаган экан. Акаси Сафарбой Примов уйини бўшатиб берди. Касалхонага тушиб қолди. Тез-тез хабар олиб турдик. Давлетгелди Собиров, деган дўсти доимо ёнида бўлди. Барибир К.Саликов айтганидан қолмади. И.Усмонхўжаевга босим ўтказиб, 1986 йилнинг 9 январида Марказий Қўмитада партиядан ўчиртирди. Адолат учун айтиб ўтишим керакки, ўшанда Ўзбекистон КП Марказий қўмитаси котиби Раъно Абдуллаева Олимбой Примовнинг тарафини олганини яхши биламан. 1986 йилнинг 25 ноябрь куни Донцов, Волосенко, Иевлев, Глушченко Олимбой Примовни ҳибсга олишди. Олимбой ака судда ўзини ўта мағрур тутди. Ёлғон айбловларни рад қилди. Уни суд залидан озод қилишди. Бироқ икки кун ўтгач, манфур Гдляннинг қўли билан шўро салтанатининг даҳшатли қамоқхоналаридан бири “Матросская тишина”га элтиб қўйишди. 1990 йилнинг 10 августигача ҳибсда сақладилар. Тўқиб-бичилган жиноят ишида маҳбус 89 марта пора олди, деган иддаолар бор эди. Терговчилар Олимбой аканинг рафиқаси Хадича Камоловага, фарзандлари Юлдуз, Бердимурод, Шавкат, Гулойим, Улуғбек (12 яшар эди)ка, акаси Сафарбойга, қайнилари Худойберган, Жумабойга, қариндошларидан Жабборберган Ўрозимбетов, Абдулла Полвонов, Ромон Бекимбетовларга қаттиқ азоб бердилар. У пайтлари бутун Элликқалъа жамоатчилиги оёққа турди. Юқори ташкилотларга уруш қаҳрамонлари И.Наврўзбоев, Ў.Абдуллаев ва бошқалар номидан хат тайёрланди. Ўшанда яна бир уруш қатнашчиси “Хатга имзо чекмайман. Эртага нима бўлишини ким билади!”, деб қўрққан эди. Яқинда шахсий архивимдан ўша хатнинг нусхасини топиб олдим.

Одамларнинг юрагига буйруқ бериб бўлмас экан. К.Саликов биринчи котиб қилиб сайланишидан олдин “десант” йўриғидагилар анжуман иштирокчиларидан Александр Балакин, Ўринбой Матнапесов, Ниятулла Сейитназаров, Райгул Жумамуратоваларга “Қаллибек Камоловни ёмонлайсизлар!” деб йўл-йўриқ беришибди. Аммо уларнинг бирортаси сотқинларнинг раъйига юрмадилар. Ишлаб чиқариш илғори Райгул опа Жумамуратова ўша мақсадни тарғиб қилган “сотқин азаматлар”га қарата “Сизларга биттагина гапим бор. Бошимдаги рўмолимни ечиб берай. Ўрасангизлар сизларга зап ярашарди-да!” деган эди. Ўша “Пахта иши” боис Тўрткўл туман партия қўмитаси биринчи котиби Қосим Нурумбетов, “Кўкдарё” давлат хўжалиги директори, Меҳнат Қаҳрамони Ўнғорбой Қурбониёзов, “Кўкчиэл” давлат хўжалиги директори Ережеп Алланиёзов ва бошқа бир қатор ажойиб инсонларнинг ҳаёти фожиали якун топди. Ўнлаб юртдошларимиз тоталитар тузумнинг темир панжаралари ортида азият чекдилар. Ҳолбуки, Ўнғорбой Қурбониёзовнинг шоличиликдаги тажрибаси бутун Иттифоқ бўйлаб эътироф этилган эди.

“Пахта иши” билан боғлиқ ноҳақликларнинг бир қисмини кўрдик. Эсимда: 1985 йилнинг 6 февраль куни Элликқалъа туманидаги “Москва” давлат хўжалиги ва “Дўстлик” жамоа хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларидан 9 киши Гдлян гуруҳи томонидан ҳибсга олинди. Айниқса, Элликқалъа кўриғини ўзлаштиришнинг ташаббускорларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, 5 та орден соҳиби (Гдлян ўзбекистонлик 10 нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини ҳибсга олган эди), “Москва” давлат хўжалиги директори Саъдулла Раҳмоновнинг ҳибсга олингани минтақада яшин тезлигидек тарқалди. Устоз Абдулла Ориф сатридагидек, гадонинг душмани гадо бўлади: марказий нашриётда ушбу мақола муаллифининг С.Раҳмонов ҳақидаги китоби корректураси ўқиличётган эди. Шошилинчнома юборилгач, кўрғошинга туширилган матн эритиб юборилди. 19 йиллик раис 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди. “Дўстлик жамоа хўжалиги раиси Муҳаммаджон Шеримбетов чекига ҳам шу қисмат тушди. Истиқлол туфайлигина Саъдулла ака 1991 йилнинг 4 январида қамоқдан чиқди.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар номзоди Олимбой Ражабов аввал Хўжайли туманини бошқарган, 12 йилдан буён Беруний туман партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаётган эди. 1985 йилнинг 9 январида К.Саликов уни лавозимидан пасайтириб, маршал Будённий номидаги қўриқ давлат хўжалигига директор қилиб юборди. Мақсад унга қарши материаллар йиғиш учун вақтни чўзишдан иборат эди. Тез орада уни, 54 нафар яқин ва танишларини қамоққа олди. Рафиқаси, педагогика фанлари номзоди Марям Ражабова, ўғил-қизлари, укалари, қариндошларини ойлаб қийноққа солишди. Укаси Комилжон Ражабов (спортнинг бир неча тури бўйича тоифа эгаси, бокс ва самбо бўйича чемпион эди) Урганчдаги вақтинча сақлаш биносининг учинчи қаватида тергаганларида мушт учун қўл кўтарган Т.Гдляннинг қўлини қайириб, “Тельман Хоренович! Менинг олдимда икки йўл бор: биринчиси сени деразадан улоқтириш, иккинчиси ўзимни! Хотиним вафот этган, норасида болаларимга ачинмайсанми?” дейди. Т.Гдлянни даст кўтариб, деразадан ирғитмоқчи бўлганида югуриб келган Карташьян миллатдошининг оёғидан тортиб қолади. Қанча кўрсатма бераётганлар Гдляндан ҳайиқиб турарди. Гдлянни титроқ босади. У худди шоҳ Жалолни тан олган “Уйига оборинглар, бу ҳулиганни!” дейди. Олимбой Ражабовнинг ишини пахта масаласига боғлаш учун туманнинг энг илғор раиси, аввал туман ёшлар қўмитаси биринчи котиби, туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи бўлган Маҳмуд Хўжамуратовни қамоққа тиқдилар. М.Хўжамуратов ва у билан ишлаган 4 одам анча йил панжара ортида азият чекдилар. Махмуджон ака мана шу мақола ёзилишидан 2 кун олдин ўз таваллудининг 80 йиллигини нишонлади. Ҳаёт давом этмоқда. Аммо халқимиз қалбига аёвсиз жаллод Телман Гдлян, пихини ёрган Николай Иванов, қаҳри қаттиқ Герман Каракозов, салла ол деса калла оладиган Альберт Карташьян, муғомбирликда тенги йўқ Константин Пирцхалава ва бошқалар, яъни, Титов, Сорока, Чижук, Рац, Московцева, Власов, Непомняший, Анисимов, Исмоилов, Писаревский, Ревеко, Регеда, Волосенко, Боров, Ибрагимов, Кравченко, Мамедов, Абдураҳимов, Туктаров (албатта, биз уларнинг ҳаммасига бир хил баҳо бериш фикридан йироқмиз) лар солган жарохат ҳали-ҳамон битмаган. Ҳамон Махмуд Хўжамуратов кечалари ухлай олмайди. Ҳали ҳам Гдлянни кўз олдига келтирса беихтиёр Комилжон Ражабовнинг мушти тугилади. Марямжон опа Биринчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. Фақат шу кунларга турмуш ўртоғи Олимбой Ражабов етиб келолмаганидан қаттиқ ўксийди. Юлдуз Примова Тошкентда, нуфузли поликлиникада ишлаяпти. Минг афсуски, бу кунларни дадаси Олимбой Примович билан волидаси Хадича ая кўролмай кетдилар.

2017 йилнинг май ойи охирида Ўзбекистон шифокорлар уюшмаси раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулла Худойберганов оламдан ўтди. У аввал Қорақалпоғистон, 1981-1986 йилларда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири бўлиб ишлаган эди. Гдлян гуруҳи унинг зиммасига қандай уйдирмаларни ёпиштирмади, дейсиз. Аллақандай олтин бюст ҳақидаги



қуракда турмайдиган афсоналар, бриллиантли портфеллар тўғрисидаги эртаклар тўқилди. Укалари — ўша чоғлари Қорақалпоғистон пахта саноатини бошқарган Отаулло Худойберганов, вилоят партия қўмитаси бўлим мудири Ҳабилулло Худойберганов, Элликқалъа туман партия қўмитаси иккинчи котиби Неъматулло Худойбергановларни бир зумда турмага тиқишди. Худди Ягода-Ежов-Берияга кўрсатма берган бобоси Муҳаммад ҳожи Аминаддинов каби ойлаб қийноққа солишди. Хайриятки ойнинг ўн беши ёруғ бўлиб чиқди. Мустақиллик қуёши порлади.

Дарҳақиқат, бу “иш” Ўзбекистоннинг энг асл фарзандлари бошига оғир кунларни солди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби Инъомжон Усмонхўжаев, Олий Кенгаш Раёсати Раиси Оқилхон Салимов, Вазирлар Кенгаши Раиси Нормаҳонмади Худойбердиев билан бирга юзлаб фирқа котиблари, вазирлар, раислар, бригадирлар, пахта заводи директорлари, қабул пунктлари мутасаддилари ноҳақ қамалди. Уларга ота, она, рафиқа, фарзанд, қариндош бўлган минглаб одамлар азоб чекдилар. Тоталитар тузум таназзулини кўплар жаноб Горбачевнинг найранглари, кўплар ГКЧП машмашаси билан боғлайдилар. Балки бу диктатура нафақат Абдулла Қодирийнинг бегуноҳ қони, балки кейинги юз минглаб жабрдийда инсонларнинг кўз ёшлари уволига қолгандир. Ким билади?

27 йил аввалги суҳбат



Файзулла ҚИЛИЧЕВ:

// Бухоронинг сўнгги амири — САИД ОЛИМХОН авлодиданман...

ФАЙЗУЛЛА Қиличев республикамиз ҳуқуқ оламида ўзига хос мактаб яратган инсон сифатида кўпчиликнинг юрагида яшайди. Файзулла ака билан 1993 йилларда Бош прокуратурада масъул лавозимларда ишлаётган кезларида Навоий вилоятига қилган хизмат сафари чоғида вилоятимиз прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган Бахтиёр Жамолов туфайли кўҳна тарихнинг янги саҳифаси ҳақида суҳбатлашишга муяссар бўлганман.

Бу суҳбат 27 йил аввал чоп этилган эди. Ана шу тарихнинг кўпчилик билмайдиган саҳифалари ҳақида Сизни ҳам хабардор қилгимиз келди.

— Файзулла ака, амир Саид Олимхон авлодидан эканлигингизни шунча йиллар ўтиб, қандай, қаердан билиб қолдингиз?

— Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг отаси Саид Абдулаҳадхоннинг акаси Саид Акрамхон хонадонида ўғил дунёга келганда амир хабар келтирган чопарга белидаги қиличини ечиб бериб, "Мана мендан туҳфа бўлсин", деган экан. Янги туғилган чақалоқнинг киндиги ана шу амир қиличи билан кесилганлиги сабабли унинг исми ҳам Қиличхон бўлиб кетган. Ана шу Қиличхон менинг отам.

Бир вақтлар бобом Саид Акрамхон Бухоро тахтига ўтириши керак бўлган, аммо овга чиқиб хасталанган вақтида Александр вафотидан сўнг Александр IIга тож кийдириш маросимига боролмай қолганлиги сабабли Амир Музаффархон ўғилларидан бири Саид Абдулаҳадхонни юборишга мажбур бўлган. Ҳужжатларда Аҳадхоннинг исми ўтгач, тахтга ўтириш Саид Акрамхонга, яъни, менинг бобомга насиб этмаган.

Бобом Амирнинг сиёсий ишларини бошқарган ишончли сиёсатдон бўлган эканлар.

Амир у кишига Ғузор ҳокимлигини топширган ва Шаҳрисабз, Китоб, Шарқий Туркистонни бошқарув ваколати берилган.

Бобом Саид Акрамхон Покистонда 96 ёшида вафот этганлар.

Тарихимизни ва ота-боболарим авлодини ўрганаётиб, турли тахмину далилларга дуч келдим. Ва ниҳоят истиқлолимиз шарофати билан ўзбекистонликлар учун ҳам чет эл дарвозалари очилди. Турли тахминлар билан ота-боболаримиз тўғрисидаги қулоққа чалинган гаплар асосида бобом Саид Акрамхоннинг отини ёзиб, бедарак кетган шундай одамларни билиш-билмасликларини сўраб хатлар йўлладим. Бир куни ярим тунда 1992 йилнинг ноябри эди, телефонимиз жиринглаб қолди. Туркиядан, Истанбулдан экан. "Сиз Саид Файзуллахонмисиз", деб сўраб қолди узоқдаги овоз. "Ҳа, менман", дедим. "Биз Сизнинг қариндошингизмиз, Сиз бизнинг амакимиз экансиз, мен Саид Абдукабирман, Саид амир Олимхоннинг ўғиллари бўламан", деди. Шундан сўнг ҳамма қариндошларимнинг дараги топилди. Яқинда чет элдаги қариндошларимни кўриб қайтдим. Амир Олимхоннинг ўғилларидан Президентимизга табрик мактуби олиб келдим. Бу табрик хати республика газеталарида эълон қилинди.

Отам раҳматлик инглиз, француз тилларини жуда яхши билардилар.

— Отангиз амир авлодидан эканликларини билармидилар?

— Отам ҳаётдан жуда эрта кетдилар. 54 ёшларида автоҳалокат туфайли оламдан ўтдилар. Асл исмлари Мирраҳмон эканлигини, амир авлодидан эканликларини яширганлар. Ҳатто, бизга ҳам айтмаган. Замоннинг зайлига қараганлар, болаларимга ҳукуматдан жабр етмасин, деб ҳеч ким билмагани маъқул деган, бўлсалар ажаб эмас.

Онам ҳам унча-мунча нарсадан бехабар бўлганлар. Отамни сўнгги йўлга кузатаётганимизда "тириклигида ўз исмини ҳеч ким айтмади, ҳеч бўлмаса, охирги марта ўз отини айтинглар", деб йиғлагандилар.

Биз оилада 12 ака-укалармиз. 6 ўғил, 6 қиз.

— Илтимос, энди амир Олимхоннинг фарзандлари, яъни чет элдаги қариндошларингиз тўғрисида ҳам гапириб берсангиз?

— Амир Олимхоннинг 12 ўғли, 9 қизи ҳозир тирик. (1993 йилдаги маълумот). Улар Туркияда, Покистонда, Эронда, Германияда, Америкада соғ-саломат яшаяпти. Инглиз тили, урду ва турк тилларини яхши билишади. Деярли ҳаммаси шоир, ҳаммасининг қўли гул. Ҳатто, саксон ёшли ўғли ҳам зардўзлик билан шуғулланади. Тиккан кашталарининг бежиримлиги, нафислиги тўғрисида гапирсам ишонмайсиз. Бухоро зардўзларининг ишини кўриб, улар баъзан хафа бўлишаркан табиий эмас, деб.

Бир ўғли — Саид Кабир Олимхон ўғли стоматолог шифокор. Азимий тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзади, бир нечта китоблари чиққан. Туркияда яшайди. Бундан ташқари, ажойиб ҳунарманд ҳам, бўш вақтида турли нарсалар ясаб сотади, ўзининг 5-10 та шахсий дўкони ҳам бор.

Азимийнинг ўғли эса турли хил кийимлар тикадиган уста. 30-35 дақиқада хоҳлаган бичимда сумками, пальто, куртками, хуллас, хоҳлаган нарсангизни тикиб бериши мумкин. Ҳар куни 3 миллион лира даромад олади. Туркия газеталаридан бирида яқинда у билан суҳбат эълон қилинган экан. Журналистнинг "Бунча пулни нима қиласан, кунига 3 миллион лира ҳазилакам гап эмас-ку?", деган саволига у "Пулни бойлик учун йиғаётганим йўқ, бобомнинг юртига — Ўзбекистонга арзирли совға олиб бориш учун тўплаяпман", деб жавоб берган экан. Ўқиб ғурурландим.

Амир Олимхоннинг энг кенжа қизи Шукрия ҳам Яшин тахаллусида шеърлар ёзади. Ҳозир Америкада яшайди. Америка телерадиоэшиттиришлар компаниясида шарқ тиллари бўйича суҳандон. Эллик икки ёшда. Ўғил, қизи бор. Ўғлининг исми Азиз. Истанбулга мени кўргани келишди. Улар билан дилдан суҳбатлашдим. Бу суҳбатлар, бу дийдорлашув тафсилотлари қоғозларга сиғмайди.

Амир Олимхоннинг икки аёли ҳозир Туркияда яшайди. Мен чет эл сафарим давомида юзлаб хонадонларда бўлдим, жуда кўп қариндошларимни кўрдим. Жуда кўп ажойиб эсдалик суратлар олдим. Буларни қанчалик таърифласам барибир камлик қилади.

— Файзулла ака! Йиллар ўтаверади, умрлар якун топиб, янги умрлар бошланаверади. Тарих эскиради, аммо ҳеч қачон ўчиб кетмайди. Уни йўқотиш, бутунлай ўчириб ташлаш қийин. Аммо уни бузиб талқин қилиш, бузиб кўрсатиш осон. Оқни қора, қорани оқ, дейишдан қўрқмайдиган қанча замонлар ўтди бошимиздан. Чунки бизнинг амир Олимхон тўғрисидаги тасаввуримиз худди мана бу сатрлар каби ҳақсиз эканлигини инкор қила олмаймиз:

Бухоро шавкатин саргардон ташлаб,
Афғонда қартайиб кўр бўлган амир.
Ўғилларин чорлаб: " Жайҳун бўйига
Мени бир элтинглар..." деди мунтазир.

Ҳижратда юрган Бухоро сўнгги амирининг Ватанни соғиниб қилган илтижолари "Эргаштириб келса зора тўлқинлар юртимдан бирон-бир нарсанинг сасин..." деган нолалари ҳам шафқат уйғотмасди юрагимизда.

Шоирнинг яна етмаганига:

"Салтанат тизгинин шамолга ташлаб,
Қочган зотнинг юртдан не таъмаси бор?!"

деган таъналари худдики ўқдай. У бир шоирнинг эмас, барчамизнинг дилимиздаги иддаолар эди...

Сиз Амир авлодининг бир вакили, унинг қондоши сифатида нима дейсиз бу таъналарга?

— Бизнинг тарихимиз саҳифалари жуда узоқ йиллар тескари ўқилди. Тожу тахт, хонлар, хонликлар, салтанат тўғрисида гапиришдан олдин, улар бизга қолдирган гўзал тарихий обидалар, ҳар бир ғишти мўъжиза, гўзаллик намунаси, санъат асари саналмиш муаззам бинолар ҳақида бир ўйлайлик. Улар юртни вайрон эмас, обод қилиш ҳақида ўйлаган дейишга нима бизга халақит беради? Ишончми?

Биттагина мисол келтирай. Амир Олимхоннинг уч ўғлини — Саид Султонмурод, Саид Раҳимхон, Шоҳмурод Олимовларни қўлга олган Совет ҳукумати амирдан бутун мол-мулкини берса ўғилларини унга қайтариб беришини айтганда, амир:

"Бу бойликлар халқ бахт-саодати учун, улар халқники, қандай қилиб сизларга беришим мумкин", деб жавоб берган экан. Шундай қилиб амирнинг уч ўғли отаси қўлига ўта олмай истилочилар қўлида қолиб кетган экан. Ўшанда амир жондан азиз фарзандларини қутқариб қолса, гаровга олинган жигаргўшаларини озод қилса, ўз бағрига олса бўларди-ку. Аммо у юртига, халқига хиёнат қилмади.

Ёки амир Олимхоннинг васиятномасида барча бойликларини "Озод Бухоронинг фуқароси бўлган авлодларимга қолдираман", деб ёзилган. Демак, шундай экан, амир Олимхоннинг юртдан таъмаси эмас, умиди, юртга меҳри, муҳаббати, сўнгсиз садоқати, соғинчи бўлган... Йўқса, бутун бойлигини фақат она юрти тупроғида яшаётган авлодларига қолдирармиди?

— Отангизнинг киндиги кесилган ўша қилич ҳозир қаерда?

— Бухоро амири отам туғилганда туҳфа қилган ўша қилич Санкт-Петербургда Эрмитажда сақланаяпти. Уни дастлаб Файзулла Хўжаевга совға қилишган, кейинчалик эса Фрунзега.

— Мабодо, шу қилични олсангиз нима қилган бўлардингиз?

— Ўзбекистонимиздаги музейга топширган бўлардим, албатта.

— Энди амирнинг бойликлари ҳақида ҳам бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Амирнинг хазинаси беҳисоб бўлган. Битта гавҳар тожининг тошигина 27 миллиард АҚШ доллари бўлганлигини айтадиган бўлсак, бошқасини санашга ҳожат ҳам йўқ. Женевада, Парижда, Лондонда, Покистондаги банкларда олтин бойликлари бор...

— Амир Олимхоннинг Ўзбекистонда қолдирган излари ҳозир қай аҳволда?

— Бухородаги қатор тарихий жойлар Амирнинг қадамларини эслатиши шубҳасиз. Ситораи Мохи Хоса бувимнинг номларига қўйилган экан. Бу жой оилавий мукаддас жой бўлган дейишади. Ҳар ким ўзига ўзи хизмат қиладиган бу жойда фақат шахсий совғалар сақланган экан. Ишга тааллуқли бирор нарсани бу ерда учратмас экансиз.

Навоий вилоятидаги Карманада амир яшаган уй бор. Хончарвоқ дейиладиган бу жой катта санъат ва маҳорат билан қурилганлиги шундоқ кўриниб турибди. Афсуски, шундай катта меҳнат эвазига бунёд этилган комплекс бино ҳозир ачинарли аҳволда, қаровсиз одамнинг раҳмини келтирадиган даражада харобага айланган. Уни чиройли қилиб таъмирлаб, музей қилиш мумкин эди... Афсус...

Бу ҳам майли, Карманада Қосим Шайх хонақоси ёнида амир Абдулаҳадхоннинг қабри бор. Бобом Саид Акрамхоннинг акалари яъни амир Олимхоннинг оталари ётган бу қабрни зиёрат қилишга бориб кўп афсус чекдим. Қабрнинг ниҳоятда ночор аҳволдалигидан дилим оғриди (*Бу қабрнинг бугунги аҳволи тўғрисида алоҳида мақолада ўқийсиз*). Бу дунёда ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Бу дунёга кимлар келиб кетмаган. Изимизда эса тарих бўлиб нималар қолади. Аниқроғи, фақат яхшилик, эзгу иш умрбод қолади, деган оддий ҳақиқатни англаш гоҳида шунчалар қийинки... Бу ерда ўлмас тарихнинг ва авлодларнинг руҳи борлигини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Руҳларни шод этиш эса тирикларнинг зиммасидаги қарз бўлиб қолаверади.

***

Бизнинг тасаввуримизда Бухоронинг сўнгги амири, унинг авлодлари ҳақида ҳарамлар, зиндонлар, ҳуқуқсиз, бебаҳра, тўзғиган авлодлар душмани сифатида ёд қолган, дод ва фарёдлар қолган. Хонни фақат ёвузлик, шафқат чегарасини билмаган тошбағир, тахти олийда фақат айш сурган, халқни эзган қонхўр бир кимса сифатида лаънатлашга одатланганмиз. Тарих саҳифаларининг тили йўқ. Ҳақни ҳам, ноҳақни ҳам бирдай ўз қатида сақлайверади, сиғдираверади, сингдираверади. Йиллар эса ҳаётнинг суронли кўчаларини гоҳ тунга, гоҳ оқ тонгларга бериб, ўзи барчани имтиҳон қилаверади...

Хайриятки, юртимиз истиқлолга эришди. Озодлик уфқларининг юзига энди ҳеч ким парда торта олмайди. Тарихда шу гўзал юртни обод айлаш учун боғлар, улуғ саждагоҳлар барпо этган амир авлодларининг истиробларини, юрту Ватан, элларини соғиниб, ҳақиқатга зор бўлиб ўтганлар дардини бугун тушуниш балким шунчалик осон эмасдир.

Аммо Бухорони инқилобчиман, деб истилочилар бойлик учун талаганда, юртни вайрон, халқни хонавайрон қилганларида амирнинг бошидан кечирган аламларини англаш унчалик қийин эмас...

Биз Саид Олимхон излари, қувончу ғамлари ўтган юртда яшар эканмиз даврон гардиши айланиб, унинг номи яхшилик билан ёдга олинишини истаймиз...



Журналист Маруса ҲОСИЛОВА суҳбатлашди.



Яншер шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежида ўқиётган 19 ёшли йигитча Жамшид Жумақулов (исм-шарифи ўзгартирилган) акасининг номида бўлган ...1671 рақамли сим карта ўрнатилган "Lenovo" русумли телефонидан фойдаланиб юрган пайтлари телеграм ижтимоий тармоғида танишлари билан ёзишиб ўтирган вақти унинг профилига "севги шеърлари" номли дастур келади. У ушбу дастурни қизиқиб юклаб олганида телефон аппарати блок ҳолатига тушиб қолади.

ЯНГИЕРЛИК ХАКЕР

67 нафар фуқарони тузоғига илинтирди

Бироздан сўнг телефон экранида "20 минг сўм пайнет қилсангиз, телефон аппаратингизни блокдан очамиз, мурожаат учун @admin" деган ёзув пайдо бўлади. Шундан кейин бир курсдошининг телефонидаги телеграми қидирувидан ўз телефон экранига ёзилган "@admin"ни қидириб топади. Жамшид мазкур профилга кириб телефони қулфланиб қолганлигини, уни очишда ёрдам беришини ёзиб, СМС хабар юборади. Орадан бироз вақт ўтгач, унга 20 минг сўмлик ваучер рақамларини ёзиб юборса, шунда телефон рақамини блокдан очиш кодини ёзиб юбориши ҳақида хабар келади.

Ж.Жумақулов нотаниш администрнинг кўрсатмасига биноан 4 дона 5 минг сўмлик ваучер сотиб олиб, ўша нотаниш шахснинг телефон рақамига ёзиб юборади. Шундан сўнг унинг телеграм профилига 4 та рақамли код келади. Ушбу кодни телефон экранидаги "очиш" деган жойига ёзганида телефон блок ҳолатидан чиқади. Ж.Жумақулов нотаниш администга ҳам ҳавоси, ҳам ҳасади келиб, унга ушбу дастурни ўргатиб қўйиши ҳақида ҳар қанча СМСлар ёзмасин, лекин у томондан умуман жавоб келмайди. Д.Жумақулов "@admin" номли профилни қидириш жараёнида "Хакерлик сирлари" номли канални топиб олиб, ушбу каналга мунтазам кириб бориб, ундаги турли хил дастурлар ва видеоларни томоша қилиб, ушбу дастурлардан фойдаланиш тартибларини "қунт" билан ўргана бошлайди.

Бир куни Ж.Жумақулов "Хакерлик сирлари" каналида беҳаё дастурга кўзи тушади. Ушбу дастур эмблемаси остига 4 та рақамли код ёзилган эди. Жамшид бу дастурга қизиқиб қолиб, кодни эслаб қолади ва дастурнинг устига босган вақтида телефон аппарати блокка тушиб қолиб, сўнгра ўзи эслаб қолган кодни терганида телефон блокдан чиққанини кўриб, бу "ҳунар"ни янада мукаммал ўрганишга киришиб кетади.

Ушбу дастурнинг ичига кириш, ундаги ёзувларни ўзгартириш учун "Хакерлик сирлари" каналидан номи эсида бўлмаган бошқа дастурни юклаб олиб, ўша беҳаё дастурга кириб, ундаги ёзувларни ўзгартириб, ўзи истаган ёзув ва рақамларни ёзиб қўяди. Ушбу дастурдан фойдаланишни ўрганиб олганидан сўнг ўзининг телефон контактидаги ўзи хоҳлаган барча рақамларга юборганида ўша шахс у юборган дастурига ўзининг телефон рақамини жойлаштиради. Агар кимдир ушбу дастурни ўз телефонига ўрнатса, унинг телефон аппарати блокка тушиб қолади ва экранда фақат Жамшиднинг рақами пайдо бўлиб қолиб, рақам тагида "Ушбу рақамга пайнет ёки клик орқали тўлов қилсангиз, кодини очиб бераман", деган хабар келади. Телефон аппарати қулфланиб қолган одамлар унинг телефон рақамига қўнғироқ қилмоқчи бўлганларида унга туша олмайдиган қилиб қўйиб, фақат СМС хабарлари орқали "гаплашадиган" бўлди.

Жамшидбой энди ҳар куни шу тарика ушбу вирусли дастурни Ўзбекистон Республикасининг хоҳлаган уяли оператор фойдаланувчисига юбориб, кодни юбориш эвазига фуқаролардан пайнет ёки клик орқали 10 минг, 20 минг, 30 мингдан ўтказишларини талаб қилиб, пул ишлай бошлайди. Кўплаб телефон эгалари бир неча ойлар мобайнида унинг тузоғига "хўрак" бўладилар. Чўнтагидан доимо "шамол елиб юрган" талаба энди 20-30 минг майда пулларга қаноат қилмай қўйиб, мўмайроқ пул ишлаш вариантларини қидиради. Энди у "Хакерлик сирлари" каналидан ўрганган қинғир ишларини катталаштирмоқчи бўлади. Натижада Ж.Жумақулов телефон рақамлари клик тизими орқали пластик карталарга уланган фуқароларни чалғитиб, уларнинг клик кодини билиб, клик хизматига яширинча уланиб олиб, уларнинг пластик карточкаларидаги пул маблағларини бирин-кетин ечиб олиб, ўзи хоҳлаган пластик карточкага ўтказиб, Гулистон шаҳрига келиб, эски деҳқон бозоридаги нотаниш шахсларнинг пластик картасига 5 фоиз ҳисобига ўтказиб, нақд пулга алмаштириб, "ялло" қилиб юради. Ноинсоф Ж.Жумақулов шу тарика оз эмас, кўп эмас, тергов давомида аниқланган 67 нафар юртдошларини виртуал тарзда тунайди. 20-30 мингнику арзимаган пул дермиз, лекин 100 000 сўм, 160 000 сўм, 188 000 сўм, 280 000 сўм, 290 000 сўм, 303 000 сўм, 420 000 сўм, 470 000 сўм, 752 000 сўм, 772 000 сўм, 1 040 000 сўм пулларидан жудо бўлган одамларнинг ўрнига бир фурсат ўзингизни қўйсангиз, бўлиб ўтган ҳолатни яна ҳам яхши тушуниб оласиз.

"Текин тешиб чиқади", деганларидек, виртуал хакер Ж.Жумақуловнинг кирдикорлари тез орада ошкор бўлиб, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олинади. Ж.Жумақулов фуқароларга келтирган моддий зарарларни унинг яқинлари тергов ва суд давомида қоплаб бердилар. 10 минг, 20 минг пайнет қилган фуқаролар аниқланиб, уларга ҳам пул маблағлари тўлиқ қайтарилди. Унинг "RedMi" русумли телефони жиноят қуроли сифатида давлат фойдасига мусодара қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Ховос туман суди ҳайъати судланувчи Ж.Жумақуловни Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, "б" банди, 169-моддаси, 3-қисми, "а" банди ва 278[6]-моддаси, 2-қисми, "в" бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбдор, деб топди.

Суд судланувчи Ж.Жумақуловга энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида жарима, Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан узил-кесил ўташ учун 4 йил 5 ой 29 кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Отабек НАБИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ховос туман суди раиси,
Шуҳрат СУЯРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

НАФС КАСБУ ЛАВОЗИМ ТАНЛАМАЙДИ

Кўпинча коррупция ҳақида гап кетганда унга "Жамият тараққиётининг кушандаси", дея таъриф берилади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки айни жиноят инсоннинг энг ашаддий душмани саналган нафс билан боғлиқ бўлиб, касб ҳам, лавозим ҳам танламайди. Яъни, қонунга қатъий амал қилмаган, салгина бепарво қолган кишини ўз домига тортаверади.

Бугунги "қаҳрамон"ларимиз — Поп туманида яшовчи Жамшид Солижонов ва Икромжон Эрматов (исм-шарифлари ўзгартирилган)лар ҳам турли йўналишда меҳнат қилувчи шахслардир. Аммо ҳар иккаласи ҳам фирибгарликка суиқасд ва пора беришга далолат қилиш жиноятларини содир этиб, юзи шувут бўлди.

Масалан, Ж.Солижоновни олайлик. У Поп туман мудофаа ишлари бўлими сафарбарлик чақирув резерви бўлинмаси бошлиги катта ёрдамчиси вазифасида ишлаб келаётганди. Нимадир бўлди-ю, бу йилги чақирув жараёнида бирор бир чақирилувчининг ҳожатини чиқариб, пул ишлаб олиш мақсади унга тинчлик бермай қўйди. Чунки бундай пайтда ҳарбий хизматга кетиш иштиёқида турган бўлажак аскарлар ҳар қандай хизмату ҳаражатга кўнади, деб ўйлади у. Ана шундай ўй-хаёллар билан юрган кунларнинг бирида унга чақирилувчи Мирвали Абдулмажидов дуч келди.

— "УЗИ" текширувидан ўтибсиз. Лекин унинг хулосасини шифокор тасдиқламаса, комиссиядан ўтган ҳисобланмайсиз, — деди Мирвалининг кўнглига гулгула солиб. — Шунинг учун 500 АҚШ доллари берсангиз, комиссия аъзоси бўлган шифокор Д.Хожибоева билан гаплашиб, сизга ёрдам қиламан. Кейин танишларим орқали хизматга жўнатиб юбораман.

Шундан сўнг М.Абдулмажидов ота-онаси ва яқинлари билан маслаҳатлашиб кўради. Оқибатда, мудофаа бўлими масъулининг талаби ноқонуний эканлигини билиб, бу ҳақда ДХХ Наманган вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилади. Бинобарин, Жамшид Солижонов 2020 йил 20 март куни ўтказилган тезкор тадбирда Мирвалидан келишилган 500 АҚШ долларини олаётган пайтда ушланган.

Нафс гирдобига тушганлардан яна бири мавсумий савдо фаолияти билан шуғулланувчи Икромжон Эрматов фукаро Лазиза Юнусовага қуюқ ваъда беради.

— Пул бўлса, чангалда шўрва деган гап бор. Харажатидан қочма, ангиз, банкдан хоҳлаганингизча имтиёзли кредит олиб беришим мумкин. Истасангиз, тадбиркорлик қиласиз ёки бошқа йўналишга сарфлайсиз, — дейди у оғзини тўлдириб.

— Қандай кредит олиб бермоқчисиз, харажати қанча бўларкан?, — деб сўрайди Лазиза худди ҳеч нарсани тушунмайдигандек бўлиб.

Бунга жавобан Икромжон 150 АҚШ доллари эвазига акциядорлик тижорат "Халқ банки"нинг Поп туман филиалида ишловчи танишлари орқали 16 фоизли имтиёзли кредит ажратиб беришини айтади.

— Майли, мен эрта-индин Сизга жавобини айтаман, — дея ёлғондан розилик беради Л.Юнусова.

У шундай деб И.Эрматовнинг шартига кўнишга кўнади-ю, кейин унга қонуний чора кўришларини сўраб, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Поп туман бўлимига мурожаат қилади. Натижада Икромжон ўзи айтган нарх ҳисобида — 100 АҚШ доллари ва 475.000 сўм нақд пулни олаётган вақтда тезкор ходимлар томонидан ушланади.

Албатта, жиноятга жазонинг муқаррарлиги қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти саналади. Бинобарин, юқоридаги ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзгатилган. Жиноят ишлари бўйича Поп туман суди эса ҳар иккала судланувчини Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси, 1-қисми, 28, 211-моддаси, 1-қисми билан айбдор, деб топиб, уларнинг қилмишларига яраша қонуний жазо тайинлади.

Умид қиламизки, тилга олинган жиноят ишлари пора олиш, пора бериш ёки пора беришга далолат қилиш сингари ҳолатларга дуч келадиган юртдошларимизга сабоқ бўлади.

Ҳусниддин ҲАКИМОВ,
Поп туман прокурори,
Бахтиёр ОБИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Поп туман суди судьяси

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13[1]-моддаси, 1-қисмининг, 5-бандига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлигининг 2020 йил 29 июндаги 205-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳар "Ҳақиқат тарафдори" адвокатлик ҳайъати адвокати Муҳаммадаминова Саламатой Ибрагимовнанинг (лицензия 08.01.2019 й., FE 000187, адвокатлик гувоҳномаси 179, 08.01.2019 й.) адвокатлик мақоми вақтинчалик, бироқ кўпи билан бир йилга тўхтатилганлиги, Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлигининг 2020 йил 29 июндаги 204-ум-сонли буйруғига асосан Қува тумани "Satiyagraha" адвокатлик бюроси адвокати бўлган Жураева Лазокатхон Ибайдуллаевнанинг (лицензия 28.12.2018 й., FE 000055, адвокатлик гувоҳномаси № 054, 28.12.2018 й.) адвокатлик мақоми тикланганлиги маълум қилинади.

Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 20 июлдаги 56-А-ум-сонли буйруғига асосан "Haqiqat Izlab" адвокатлик фирмаси адвокати Эралиев Исроил Баҳовиддиновичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 26 декабрда берилган TS № 000167 рақамли лицензия ва адвокат мақоми Қуйичирчиқ туман маъмурий судининг 2020 йил 19 июндаги ҳал қилув қарорига асосан 3 ойга тўхтатиб турилганлиги маълум қилинади.

Адлия вазирлиги жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири Сайлаубай Аманбаевич Мамбеткадыровнинг онаси
Калбазар АХАНТАЕВА
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Инсон ва қонун" газетаси жамоаси таҳририят техник ходими Ботиржон Шариповга падари бузруквори
Мирзоҳид отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7870

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Миржалилович
Тожиев Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Дилфуза Эргашева
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4800
Буюртма — V-4260
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5



MADAD
Huquqiy maslahat byurosi

Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз.

БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Уйимдан боғча очмоқчиман. Қонуний йўл-йўриқ кўрсатинг!

— ЯШАБ турган уй-жойимда оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасасини (оилавий корхона) ташкил қилмоқчиман. Қандай имтиёзлар белгиланган?



— "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунга асосан оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураржойлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади. Бундай жойларни оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 28-моддасига асосан оилавий корхона тураржойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

ҚАНДАЙ ҳолларда ЙПХ ходими томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади?



— Агар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонунчиликда транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазо қўллаш белгиланган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномаси ЙПХ ходими томонидан олиб қўйилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига тегишли ёзув киритилади ва талон ҳайдовчига қайтариб берилади.

Масалан: хавфсизлик камари тақмаганлик учун ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш мумкин эмас.

Маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун эса ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади, чунки ушбу ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

Эслатма: транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси фақат суд томонидан қўлланилади.

Ҳисобчи адашиб ортиқча пул ёзса иш ҳақидан қайтариб қолиши тўғримми?

— ҲИСОБЧИ ўзи қонун нормаларини нотўғри талқин этиши оқибатида тўлаган ортиқча пул суммасини иш ҳақимдан қайта ундириб олиши мумкинми?



— Йўқ, мумкин эмас. Меҳнат кодексининг 279-моддасига асосан иш берувчи, унинг бухгалтерияси, нормаловчиси, мастери ва бошқалар томонидан қонунни билмаслик ёки қонун нормаларининг нотўғри талқин этилиши ва қўлланилиши оқибатида ходимга ортиқча тўлаб юборилган пул суммалари иш берувчининг айби туфайли юз бергани ва ходимнинг айби йўқлиги туфайли ундан қайтариб ундириб олинишига йўл қўйилмайди.

Ходимга у берган ёлғон маълумотлари ёки тақдим этган сохта ҳужжатлари оқибатида тўланган суммалар ундан суднинг қарори ёки ҳукми асосида ундириб олинади.

Ўқишимни сиртқига кўчириб, ўзим ички ишлар органларига ишга кирсам бўладими?

— МЕН университетнинг жисмоний маданият факультети 1-босқичида ўқийман. Ўқишни сиртқи шаклга ўтказиб, ички ишлар органларига ишга кирсам бўладими?

— "Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ бир таълим шаклидан бошқа таълим шаклига ўқишни кўчириш мумкин, лекин барча ҳолларда ҳам эмас. Хусусан кундузги таълимдан кундузги, сиртқи, кечки (сменали) ўқишга кўчиришга рухсат этилади.

Кундузги таълимдан махсус сиртқи таълимга кўчириб бўлмайди.

Сиртқи таълимдан сиртқи (фақат бир таълим соҳаси доирасида), кечки (сменали) ўқишга кўчиришга рухсат этилади.

Сиртқи таълимдан кундузги ҳамда махсус сиртқи таълимга кўчириб бўлмайди.

Кечки таълимдан кечки таълимга (фақат бир таълим соҳаси доирасида) ва кундузги таълимга ўқишни кўчириш мумкин.

Кечки таълимдан сиртқи ҳамда махсус сиртқи таълимга кўчириб бўлмайди.

Махсус сиртқи таълимдан бошқа таълим шаклига кўчириб бўлмайди, ўз навбатида, бошқа таълим шаклидан махсус сиртқи таълимга кўчириш талаби ҳам рад этиш учун асос бўлади. Фақат махсус сиртқида бир таълим соҳаси доирасидагина кўчиришга рухсат этилади.

Шунингдек, мақсадли қабул қилинганлар бошқа таълим йўналиши ёки таълим шаклига, бошқа ОТМга кўчирилмайди.



Саволларга "Мадад" ННТнинг Амударё тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси **Айгул МАШЕРИПОВА** жавоб берди.

Карантинда меҳнат таътилини узайтириш мумкинми?

— 2020 ЙИЛ январь ойида меҳнат таътилига чиққан эдим, кейин карантин жорий қилинди ва меҳнат таътилимни олганим учун иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътилга чиқдим, сабаби 14 ёшга тўлмаган 3 нафар фарзандим ва 70 ёшли қайнонамга қарашим керак. Ҳозирги кунда оила аъзоларимга қарашим учун ва вирусни юқтириб олмаслигим учун иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътил олишни давом этмоқдаман. Олган таътилим 3 ойдан ортиб кетди. Бу қонунийми ва бу ойлар иш стажимга киритиладими?



— "Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 9-бандига асосан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил Меҳнат кодексининг 150-моддасида белгиланган максимал муддат бўйича чекловлар карантин даврида татбиқ қилинмаслиги кўрсатилган.

Бунда, ушбу меҳнат таътилининг муддати мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхташи муддатидан ошмаслиги керак. Мазкур меҳнат таътили унинг муддатидан қатъи назар ходимнинг иш стажига киради.